

2025 йилда Навоий вилоятида амалга оширилган ишлар ҳисоботи

Вилоятда 200га яқин саноат корхоналари ишга туширилиб, саноат маҳсулотлари ҳажми **108,7 фоизга** ошишига эришилди. Ушбу корхоналарда бугун **300 турдан** ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, уларда **4,0 мингдан** зиёд иш жойлари яратилди. Натижада вилоят бўйича камбағаллик кўрсаткичи йил бошидаги **5,7 фоиздан 2,0 фоизга** тушишига, аҳолининг харид қобилияти юқорилиги бўйича республикада етакчи ўринлардан бирининг сақланиб қолишига эришилди.

2025 йил иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани билан ниҳоятда баракали бўлди.

Мамлакатимиз Президентининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор бериш бўйича белгилаган топшириқлари доирасида **80 та** корхонада **2,5 трлн** сўмлик **155 турдаги** импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Вилоят бўйича иқтисод қилинадиган валюта миқдори **200 млн** доллардан ошди. Шунинг баробарида вилоятимизнинг экспорт салоҳияти ортиб, бунда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши ва инвестициявий жозибадорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бунга 2024 йил хорижий капитал иштирокидаги корхоналар **254 тани** ташкил этгани ҳолда 2025 йил якуни билан улар сони яна **53 тага** ошганлиги яққол мисол.

Тадбиркорлик қилиш учун қулай инвестицион муҳит яратилиши натижасида хусусий ишлаб чиқариш ва

инвестиция ҳажми мунтазам ошиб, тадбиркорлар сони **24 мингтадан 27 мингтага** етди.

Ўтган йилги ташрифи чоғида ҳурматли Президентимиз 2025 йилни улуғ мутафаккир шоир номи билан аталадиган вилоятимизда Навоий йили деб белгилаш ғоясини илгари суриб, ҳазрат сиймосига юксак эҳтиром ва эъзознинг олий ифодасида вилоятимиз намуна бўлишини таъкидлаган эди. Бинобарин ҳазрат Навоий ўз асарларида илгари сурган ғоялар бугунги кун воқелигида устувор сиёсатга айланиб, инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш вилоятимизда 2025 йилнинг бош масалаларидан бирига айланди.

Хусусан, вилоятимизда 2025 йилнинг тегишли давлат дастурлари доирасида ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан **5500 хонадонли 69 та** янги кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилиб, аҳолимизни кўп йиллар давомида қийнаб келган уй-жой билан боғлиқ муаммоларига ҳолисона ечим бўлди.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбари таъмал тошини қўйган Янги Навоий шаҳарчаси ҳамда Янги Ўзбекистон боғ мажмуаларида қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилиб, мазкур ҳудудларда жами **90,5 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Йўллар нафақат манзиллар, балки кўнгилларни бири-бирига боғлайди, дейди халқимиз. Шу билан бирга улар ҳар бир ҳудуд инвестициявий жозибадорлигининг бош мезони ҳамдир.

Шу боис, кейинги йилларда йўл соҳасини ислоҳ қилиш ҳам асосий эътиборимиздаги масала бўлиб, 2025 йилда вилоятимизда умумий қиймати **445 миллиард** сўм бўлган жами **915 километр** узунликдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий қиёфага келтирилди. Жумладан, **833 километр** йўллар асфальтлаштирилди, **82 километр** қисми шағаллаштирилди.

Аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ҳамда табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишларимиз салмоғи ҳам йилдан-йилга юксалиб, йил давомида вилоятимизда жами **16,0 миллиард** сўм маблағлар эвазига **120 километр** ичимлик сув тармоқлари тортилди. Натижада **14 500 нафар** аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлиб, **10500 нафар** аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди ва таъминланганлик даражаси **87 фоизга** етказилди.

Электр энергияси таъминоти ҳам аҳолининг доимий эҳтиёжи сифатида ҳамиша диққат-марказимизда бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда вилоятимизда 2025 йилда **435,1 километр** электр узатиш тармоқлари ҳамда **110 дона** трансформатор пунктлари янгидан ўрнатилди.

Шунингдек, ўтаётган йилда **33,7 километр** ташқи газ қувурлари янгидан қурилиб, мавжуд **26,1 километр** тармоқлар реконструкция қилинди ва мукамал таъмирланди.

Қишлоқ деганда энг аввало кўз ўнгимизда тўқин дастурхонимиз, ризқу насибамиз яратувчилари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Жорий йил миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг, турли қийинчиликларга қарамасдан **290 минг** тоннадан зиёд ғалла, **110,3 минг** тонна пахта, **487 минг** тоннага яқин сабзавот ва полиз, **209 минг тонна** боғдорчилик маҳсулотлари етиштиргани бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчиликни, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилганини мамнуният билан эътироф этмоқ жоиз. Албатта, бу ютуқлар қишлоқ хўжалигида кечаётган ислохотлар деҳқон, фермер хўжаликлари ҳамда ер эгаларига катта имконият ва имтиёзлар самарасидир.

Хусусан, 2025 йилда қишлоқ хўжалигида **20 минг** гектар фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш ҳамда ушбу майдонларда сув тежовчи технологияларни ўрнатилиши ҳисобига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан жами **24 триллион 300 миллиард** сўмлик маҳсулотлар етиштирилди. Бундан ташқари, соҳада қиймати **864**

миллиард сўмлик **173 та** лойиҳа амалга оширилиб, **2300 та** янги иш ўринлари яратилди. Бу каби ютуқ ва муваффақиятлар замирида энг аввало қишлоқ аҳли, меҳнаткаш бобо-деҳқонларимизнинг пешона тери ва ҳалол меҳнатлари мужассам.

Энг қувончлиси, “Атроф муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” номи билан тарихга кираётган мазкур йилда вилоятимиз бўйича **18 млн 192 минг** туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Мамлакатимиз Президенти раислигида жорий йилнинг 7 август куни Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда эришилган самаралар билан бирга ечимталаб масалалар таҳлил этилди. Муҳтарам Юртбошимиз Навоий вилоятида йирик саноат тармоқларидан ташқари яйловларни ўзлаштириш, чорвачиликни ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш бўйича тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар бисёрлигини таъкидлади. Жойлардаги имкониятларни юзага чиқариш мақсадида тадбиркорларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар ва уларнинг ҳуқуқий ва молиявий муаммоларига кўмаклашиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Шу асосда маҳаллаларда аҳоли ва тадбиркорлар томонидан аҳоли хонадонларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ўз фаолиятларини кенгайтиришди. Хусусан, Қизилтепа туманининг чорвачиликга чуқур ихтисослашган, **3 та** маҳалласида (“Зарметан”, “Работ” ва “Азизобод”) молларини саноатлаштириш ва кўпайтириш мақсадида ўз ҳудудларидан узоқ бўлмаган чўл яйлов ерларидан **30 гектар** ер майдонида “Чорвачилик маркази” ажратилди. Натижада, **10,0 минг** бош қорамол етиштирилиб, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти ҳамда мингдан ортиқ доимий иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, Мамлакатимиз Президенти 2024 йил 1 ноябрь куни “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча имкониятларни ишга солиш ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган асосий

вазифалар”га бағишлаб ўтказилган йиғилишда мазкур масалани таҳлил этаркан, Конимех тумани ҳокими ва Республика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига 2024-2026 йилларда Монголия давлатидан гўшт ва жун йўналишидаги қўй-эчкиларни олиб келиш вазифасини белгилаган эди.

Ушбу топшириқлар ижроси доирасида 2025 йил якуни билан вилоятимизга жами **30 минг** бош “Баят” зотдаги қўйлар келтирилди. 2026 йилда эса яна **70 минг** бош қўй олиб келинади.

Таъкидлаганимиздек, бугун мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш устувор масалалардан бирига айланган. Зеро, жаннатмакон юртимизда халқимиз бахтли ва фаровон яшаши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, ниҳояланаётган йилда **605 та** лойиҳалар ишга туширилиши натижасида **8378 та** юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Аҳоли даромади сезиларли даражада ошиб, вилоят бўйича ўртача иш ҳақи **5,0 млн** сўмга етди.

Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманларидаги **2700 гектарда** саноатлашган боғ, узум ва резавор мевалар плантациялари барпо этилмоқда. Хатирчида камбағал оилаларга **50 гектар** саноатлашган боғ, узум майдонлари ажратиб берилди. **41 та** оғир маҳаллага **38,2 млрд** сўм ажратилиб, қудуқ қазиб сув чиқариб берилди. Натижада, ушбу маҳаллардаги **6540 та** оилаларнинг (шундан **437 таси** камбағал) **3,2 минг** гектар томорқасидан фойдаланиш имконияти яратилиб, **11,3 мингдан** зиёд аҳоли қўшимча даромадли бўлди. Шундан, **55 та** маҳаллада суғориш имкониятлари ошгани сабабли сабзавотчилик, анорчилик ва узумчиликка тўлиқ ихтисослашмоқда.

Табиийки, бу ютуқларнинг ҳар бири аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилиб, эртанги кунга бўлган умид ва ишончини янада мустаҳкамламоқда. Хорижда паст маош олиб ишлаган **26 мингдан** зиёд аҳолининг вилоятга қайтиб, шу ерда даромадли иш топганлиги бу борада фикримизнинг яққол исботи.

Инсон кадри, ҳаётий манфаатлари давлат манфаатларидан устувор тутилган экан, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг билими ва касб маҳоратини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Давлатимиз раҳбарининг **“Асосий мақсад – тиббиёт соҳасини чинакамига халқ дардига дармон бўладиган, юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантиришдан иборат”** деган даъватларида айтилган мақсад ўз ифодасини топган. Зеро, саломатлик аҳоли кайфиятини белгиловчи етакчи омил бўлиб, шу сабаб сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон талаблари даражасига кўтариш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Соҳада эришилаётган ютуқларни вилоятимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, яқин-яқинларгача **103а** бирламчи тиббий ёрдам муассасалари фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони **155 тага** етказилиб, **1,5 бараварга** оширилди. Шунингдек, ўтган 2 йилда вилоятда **3 та** оилавий шифокорлик пункти, **2 та** оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. Натижада **20 мингдан** ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

“Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” лойиҳаси доирасида муассасаларда қулай ҳаракатланиш, биноларнинг ёритиш тизимини яхшилаш, тўсиқсиз рўйхатхона ва кутиш залларини ташкил этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида стационар ётоқ ўринларини шошилиш ҳолларда фойдаланиладиган чакиров тугмалари билан жиҳозлаш, биноларни ногиронлар ва ҳаракати чекланган шахслар учун қулайлик яратувчи махсус мосламалар билан жиҳозлаш натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари **1204 тадан** ортиқ замонавий компьютер

техникалари билан таъминланиб, уларнинг тиббиёт соҳасини рақамлаштириш имкониятлари кенгайтирилди. Шунингдек, жорий йилда **26 та** объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг моддий техник баъзасини мустаҳкамлаш мақсадларига **83,9 млрд.сўмлик** маблағ йўналтирилди. Бу ўтган 2024 йилга нисбатан **27 фоизга** кўп демакдир.

Энг эътиборлиси, аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг билими ва касб маҳоратини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар бугун ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда. Хусусан, биргина жорий йилнинг ўзида вилоят бўйича **6684 нафар** беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Шунингдек, Болалар миллий маркази билан биргаликда **90 нафар** болажонларда юрак туғма нуқсонларини бартараф қилиш бўйича жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, улар соғлом ҳаётга қайтарилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бугун вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган тарбиячи ва педагогларнинг **14252 нафари** ўз йўналишида олий, 1- ва 2-тоифага, **2045 нафар** чет тили ўқитувчиларининг **1644 нафари** миллий ва халқаро сертификатларга эга бўлиб, бу кўрсаткич 2025 йилда **68 фоизга** етказилди. Натижада ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, тоифасининг ошириб бориши, ўзининг фанидан халқаро ва миллий сертификатга эга бўлиши туфайли вилоятимизда **286 нафар** ўқитувчилар **1 000 доллар** ва ундан ортиқ миқдорда ҳамда **600 нафардан** ортиғи **800-900 доллар** миқдорида маош олмоқда.

Соҳани ривожлантириш, ўтаётган йилда ҳам тизимли раваишда амалга оширилди. Хусусан, йил давомида **23 та** мактабгача таълим ташкилотлари ва **59 та** умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мазкур мақсадлар учун жами **186,2 миллиард** сўмдан ортиқ

маблағлар йўналтирилди. Натижада бугунги кунда вилоятимиздаги **1466 та** мактабгача таълим ташкилотига **92889 нафар** 3-7 ёшли фарзандларимизнинг **81313 нафари** ёки **87,5 фоизи** қамраб олинди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари сони **367 тага** етказилиб, **5674 нафар** ўқувчи ўрни янгидан яратилди. Бунинг эвазига **189 минг** нафар ўқувчиларнинг таълим олиши таъминланди.

Мактабларни ўқув ва бадий адабиётлар билан таъминлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган ўқув йилида **396 млн.сўм** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **10 минг** дондан ортиқ бадий адабиётлар мактаб кутубхоналарига кирим қилинди.

Мактаб ўқувчиларини спортга жалб қилиш мақсадида маҳаллий бюджетнинг **2,2 млрд.сўм** маблағлари ҳисобидан **15288 дон**а бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари олиб берилди. Табиийки бу келажакда вилоятимиз ёшлари ҳам катта-катта аренаalarda юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга эришишига замин яратади.

Мамнуният билан эътироф этиш керакки, вилоятимиз спортчи-ёшлари 2025 йилда Республика, Осиё, Жаҳон ва Халқаро мусобақаларда 2025 йилда **1859 та** медалларни қўлга киритиб, **647 нафар** спортчиларимиз Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзолигига қабул қилинди.

Ёшларимизнинг бу каби муваффақиятларини нафақат спорт, балки илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида ҳам кузатиш ва юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Меҳмондўстлик бизга ота мерос қадрият бўлиб, бугун вилоятимизда туризмнинг шиддат билан ривожланишига туртки бермоқда. Натижада вилоятимизда туризм қишлоқлари сони **4 тага** етказилиб, хорижий туристлар сони **2 баробар**, меҳмонхоналар **1,5 баробарга** кўпайди. Туризм ҳар бир ҳудудда сервис ва хизмат кўрсатиш, муносиб инфратизимни тақозо этиб, аҳолини тез ва арзон бандлигини таъминлайдиган соҳа ҳисобланади.

Мазкур йўналишдаги ишларни беш бараварга ошириш имкониятимиз мавжудлиги аниқланди. Мисол учун, Навоий

шаҳридаги **11та** кичик ва катта истироҳат боғларини яшиллик бор жойларни ўзаро боғловчи “Саломатлик йўлаклари” лойиҳасини ишлаб чиқдик. Лойиҳа доирасида **10 км.**дан ортиқ масофада кундалик сайр, югуриш ва велоспорт билан шуғулланиш, спорт майдонлари ва дам олиш зоналари ташкил этилди, бунинг натижасида шаҳардаги **17 та** маҳалланинг **80 мингга** яқин аҳолиси уйидан чиқиб, оиласи билан сайр қилиш имкониятлари яратилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида бугунги кунда драйвер лойиҳалар маблағлар ҳисобидан **5 та** тумандаги **7 та** дам олиш масканларига **20,0 млрд** сўм ажратилиб, ишлар бошланган. Шунингдек, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Учқудуқ туманида йирик сунъий кўлларда инфратузилмани ташкил этиб, **1000дан** зиёд хизматларни йўлга қўйиш камида **5000 одамни** иш билан таъминлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.